

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Самарқанд шаҳар 1-сонли  
ёрдамчи коррекцион махсус  
мактаб директори**



**Л.Рузиева**

« — » \_\_\_\_\_ **2022 й**

**БУЮРТМАЧИ:**

**Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактаб**

**Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион  
махсус мактабда замонавий ҳунармандчилик  
биносини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Самарқанд шаҳри -2022**

# **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

## **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактабда замонавий ҳунармандчилик биносини мукамал таъмирлаш ишларини бажаришишлари бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – **132 471851(бир юз ўттиз икки миллион тўрт юз етмиш бир минг саккиз юз эллик бир)сўм.** Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактаб(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 140101, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқандшаҳри,Найман кўчаси, 26-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. ТанловСамарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактаб биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси

орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 1 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Самарқанд шаҳар 1-сонли  
ёрдамчи коррекцион махсус  
мактаб директори



Л.Рузиева

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й «\_\_»

Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактабда  
замонавий ҳунармандчилик биносини мукамал таъмирлаш ишларини  
бажариш

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактабда замонавий ҳунармандчилик биносини мукамал таъмирлаш ишларини бажариш
2	Буюртмачи	Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактаб
3	Буюртма учун асос	Ўқувчиларга ўқиш шароитини яхшилаш мақсадида
4	Объектнинг жойлашган манзили	Самарқанд шаҳри, Найман кўчаси, 26-уй
5	Катнашувчи учун талаблар	Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактабда замонавий ҳунармандчилик биносини мукамал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлиши. Буюртма берилганда тез муддатда таъмирлаш ишларини бажариш.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг лойиха-смета ҳужжатлари нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 1 ой учун тахминан <b>132 471 851 (бир юз ўттиз икки миллион тўрт юз етмиш бир минг саккиз юз эллик бир) сўм</b> лик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил феврал ойидан 2022 йил 31 мартгача
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларини қатъий риоя қилиниши шарт.
10	Молия таштириш манбаи	Самарқанд шаҳар 1-сонли ёрдамчи коррекцион махсус мактабнинг бюджет маблағлари ҳисобидан

Комиссия аъзолари:  А.Варельджан

 Г.Файзуллаев

 Ж.Алланазаров

 Л.Назарова

Комиссия котиби:

 А.Кульдяева